

Ҳаж-2021 мавсуми бўйича Саудия Арабистони қарори эълон қилинди



11:55 / 12.06.2021 2249

Бу йилги Ҳаж-2021 мавсуми коронавирус пандемияси сабабли фақат Саудия Арабистони Подшоҳлиги аҳолиси ва ушбу мамлакатда муқим яшаб келаётган фуқаролар (резидентлар) учун ташкил этилиши ҳақида Саудия Арабистони қарори эълон қилинди. Бу ҳақда iqna.ir манбаси хабар беради.

Жами зиёратчилар сони 60 минг этиб белгиланди.

18 дан 65 ёшгача эмланган маҳаллий зиёратчилар назарда тутилган.

Эслатиб ўтамиз, бу йилги Ҳаж мавсумида хорижий мамлакатлардан зиёратчилар қабул қилинмайди.